

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Ss/Tar.21.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**

---

**АЛИМОВ ОҚИЛИДДИН ИСАМУТДИНОВИЧ**

**ШАРҚИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИ ЭНЕРГЕТИКА ХАВФСИЗЛИГИНИ**  
**ТАЪМИНЛАШДА ЯПОНИЯНИНГ ТАШҚИ СИЁСИЙ РОЛИ**

**23.00.04 – Халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг**  
**сиёсий муаммолари**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

УЎК:327.57  
КБК:66.4(0)  
А-59

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по политическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD) on  
Political sciences**

**Алимов Оқилиддин Исамутдинович**

Шарқий Осиё минтақаси энергетика хавфсизлигини таъминлашда  
Япониянинг ташқи сиёсий роли ..... 3

**Алимов Оқилиддин Исамутдинович**

Внешнеполитическая роль Японии в обеспечении энергетической  
безопасности Восточноазиатского региона ..... 29

**Alimov Okiliddin Isamutdinovich**

Japan's foreign policy role in ensuring energy security of the  
East Asian region ..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 57

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Ss/Tar.21.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**

---

**АЛИМОВ ОҚИЛИДДИН ИСАМУТДИНОВИЧ**

**ШАРҚИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИ ЭНЕРГЕТИКА ХАВФСИЗЛИГИНИ**  
**ТАЪМИНЛАШДА ЯПОНИЯНИНГ ТАШҚИ СИЁСИЙ РОЛИ**

**23.00.04 – Халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг**  
**сиёсий муаммолари**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Siyos109 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tsuos.uz](http://www.tsuos.uz)) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталига ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Жўраев Сайфиддин Ахматович**  
сиёсий фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Муҳаммадсиддиқов Муҳаммадолим Муҳаммадрозик ўғли**  
сиёсий фанлар доктори, доцент

**Умаров Хайрулла Пайзуллаевич**  
сиёсий фанлар номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ss/Tar.21.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100070, Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (998971) 233-52-24; e-mail: [sharq\\_ilmiy@mail.ru](mailto:sharq_ilmiy@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100070, Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (998971) 233-52-24.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**Э.С. Султанова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

**А.Н. Назаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Р.З. Жумаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, с.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда энергетика хавфсизлиги масаласи ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Жамият ҳаётининг энергетика билан боғлиқ бўлмаган бирон-бир жабҳаси қолмади. Энергия ресурслари, табиий захиралар борасида глобал масштабда кечаётган кескин рақобат дунёнинг ҳеч бир давлати ва минтақаларининг энергетика хавфсизлигини кафолатламайди. Шу боисдан, энергетика хавфсизлиги масаласи давлат ва ҳукумат раҳбарлари, халқаро ташкилотлар, олимлар, бизнес доираларнинг диққат марказида турган, дунё афқор оммасини ташвишга солаётган муаммолардан бирига айланди.

Энергетика хавфсизлигини таъминлаш муаммоси ўзига хос мураккаб ва кўпқиррали бўлиб, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, технологик, экологик масалаларни қамраб олади. Бироқ бунда сиёсий жиҳат етакчи ва муҳим аҳамият касб этади. Чунки замонавий босқичда энергетика хавфсизлиги нафақат бозор иқтисодиёти қонуниятлари билан балки, геосиёсий манфаатлар доирасида тартибга солинмоқда. Энергоресурслар қудратли сиёсий дастак, дунё углеводородлар бозори эса, сиёсий манфаатлар тўқнаш келувчи майдонга айланиб улгурди. Глобал ва минтақавий энергетика хавфсизлигини мустақамлаш, Шарқий Осиёдаги энергетик вазиятни яхшилаш Япония ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири саналади. Шу жиҳатдан, биринчидан, XXI асрда Шарқий Осиё жаҳон иқтисодий ва сиёсий ривожининг бош марказларига айланиб, халқаро муносабатлар ва дунёдаги кучлар мувозанатига сезиларли таъсир ўтказмоқда; иккинчидан, минтақадаги энергетика хавфсизлиги муаммоларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш; учинчидан, Япониянинг энергетика стратегияси ва сиёсати йўналишларининг хусусиятларини аниқлаш муҳим саналади. Халқаро ва минтақавий даражадаги сўнгги ўзгаришлар халқаро энергетика хавфсизлиги соҳасида янги илмий тадқиқотлар зарурлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг энергетика сиёсати мамлакат энергетика хавфсизлигини таъминлаш ҳамда миллий энергетика имкониятларидан жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиши учун фойдаланиш, иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакат аҳолисини ёқилғи-энергетика ресурслари билан барқарор таъминлаш, қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг тарғиб қилиш ва ривожлантиришга қаратилгандир. «Иқтисодиётни жадал ривожлантириш йўлидаги энг катта хавф-хатарлардан бири бу нефть-газ ва энергетика тармоғидаги мавжуд муаммолар билан боғлиқ»<sup>1</sup>. Бу борада Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2020 йил 23 январь, №17 (7519).

жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш»<sup>2</sup>, муҳим йўналишлардан бири сифатида белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги ПФ-5046-сон «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422-сон «Иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологиялар ва қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этишни жадаллаштириш чоралари тўғрисида», 2019 йил 28 декабрдаги ПҚ-4553-сон «Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 29 январдаги ПҚ-4139-сон «Сиёсий фанлар соҳасида кадрлар тайёрлаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 16 апрелдаги ПҚ-4680-сон «Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Ушбу тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий, ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» дастури доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мавзунинг ўрганилганлик даражасининг таҳлиллари шуни кўрсатадики, энергетика хавфсизлиги масалаларини сиёсий жиҳатдан тадқиқ этиш узлуксиз, эволюцион жараён дур. Сиёсий-ижтимоий, иқтисодий вазиятларнинг ўзгарувчанлиги, ахборот-таҳлилий материалларнинг доимо янгиланиб туриши ўз навбатида илмий қарашларнинг ҳам ривожланишини таъминлайди.

Энергетика хавфсизлиги муаммоларини фаол тадқиқ этишга 1973 йилдаги биринчи энергетика инқирозидан кейин киришилди, деб айтиш мумкин. Айнан шу даврдан бошлаб Ғарбда энергетика хавфсизлиги масалаларини атрофлича ўрганишга қаратилган, унинг халқаро муносабатларга таъсири, сиёсий масалаларни ҳал этишда нефтдан қурол сифатида фойдаланиш, ташқи сиёсат ва энергетиканинг боғлиқлиги ва бошқа омиллар ёритилган кенг кўламдаги таҳлилий тадқиқотлар вужудга кела бошлади. Бундай тадқиқотлар сирасига

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. ПФ-4947-сон, 2017 йил 7 февраль. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Дж. Барне, Дж. Блэр, Колин Робертсон, Энтони Сэмпсон, Дж. Силович ва бошқаларнинг изланишларини киритиш мумкин<sup>3</sup>.

Ушбу соҳада тадқиқот юритган яқин хориж олимларидан Андреасян Р.Н., Арбатова А.А., Васильев А.М., Ершов Ю.А., Пиотровская И.Л., Примаков Е.М. ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин<sup>4</sup>.

Юқоридаги муаллифлар асосий диққат-эътиборни Яқин Шарқдаги энергетик вазият, энергетик инқирознинг сабаб ва омиллари, жаҳон нефть трансмиллий корпорациялари фаолияти, энергия ресурслари борасидаги кечаётган кураш, энергетика омилнинг жаҳон сиёсатидаги ўрни ва ролини ўрганиш ва таҳлил этишга қаратдилар.

1979-1982 йилларда юз берган иккинчи энергетика инқирози ўз навбатида янги илмий қараш ва таҳлилларни вужудга келишига сабаб бўлди. Ушбу даврдаги Ғарб тадқиқот ишларида энергетика хавфсизлигининг янги жиҳатлари пайдо бўлди.

Бу каби тадқиқотларда асосий эътибор сиёсат ва энергетика муносабатлари, углеводородлар бозорининг сиёсий ва иқтисодий жараёнларга таъсири, энергия ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг ОПЕК ва Халқаро энергетика агентлиги ўртасидаги ўзаро қарама-қаршилик фонидagi муносабатлари, энергия ресурсларини тежаш, муқобил энергия манбалари, хусусан атом энергетикасини ривожлантириш муаммоларига қаратилди. Бу борада Е.Броссард, У.Леви, Р.Либер, Дэниел Ергин каби олимларнинг тадқиқотларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин<sup>5</sup>. Бу даврдаги энергетика масалалари россиялик ҳамда яқин хориж олимлари Борко Ю.А., Примаков А.Е., Симония А.А., Широков Г.К., Мазур И.И. ва бошқалар асарларида ёритилди<sup>6</sup>.

Энергетика хавфсизлиги муаммоларини тадқиқ этишнинг яна бир янги босқичи 1986 йилдаги учинчи энергетика инқирозидан сўнг бошланди. Дунё

---

<sup>3</sup> Barnea J. The Energy Crisis and the Future. – UNITAR, 1975. – 117 p.; Blair J.M. The Control of Oil. – N.Y.: Pantheon Books, 1976. – 280 p.; Robinson C. The energy crisis and British coal: the economics of the market in the 1970s and beyond. Institute of Economic Affairs, 1974. – 61p.; Sampson A. The Seven Sisters: The Great Oil Companies and the World They Made. – New York: Hodder and Stoughton, 1975.; Szyliowicz, Joseph S., and Bard E. O'Neill, eds. The Energy Crisis and U.S. Foreign Policy. New York: Praeger, 1975. – 258 p.

<sup>4</sup> Андреасян Р.Н. ОПЕК в мировой нефти. – М.: Наука, 1978. – 232 с.; Арабские страны: нефть и дифференциация: Сб. ст. / Отв. ред. Р. Н. Андреасян. – М.: Наука, 1984. – 263 с.; Арбатова А.А. Обострение сырьевой проблемы и международные отношения. – М.: Международные отношения, 1981. – 221 с.; Васильев А.М. Факелы Персидского залива. – М.: Политиздат, 1976. – 174 с.; Ершов Ю.А. Сырье, топливо, политика. Топливо-сырьевая политика империализма. – М.: Международные отношения, 1975. – 222 с.; Новые явления в энергетике капиталистического мира/ Отв.ред. Примаков Е.М. – М.: Мысль, 1979. – 279 с.; Пиотровская И.Л. Страны Аравийского полуострова: нефть, финансы, развитие. – М.: Наука, 1981. – 189 с.; Примаков Е.М. Анатомия ближневосточного конфликта.– М.: Мысль, 1978. – 374 с.; Энергетический кризис в капиталистическом мире/ Отв. ред. Е.М.Примаков. – М.: Мысль, 1975. – 478 с.

<sup>5</sup> Brossard E.V. Petroleum Politics and Power.- Tulsa (USA, Oklahoma) 1983. – 260 p.; Levy W. Oil Strategy and Politics, 1941– 1981/ Colorado: Westview Press, 1982. – 560 p.; Lieber, Robert J. The Oil Decade: Conflict and Cooperation in the West. – New York: Praeger, 1983. – 159 p.; Yergin D. and Hillenbrand M. Global Insecurity: A Strategy for Energy and Economic Renewal. – New York: Penguin Books, 1983. – 390 p.

<sup>6</sup> Нефтедоллары и социально-экономическое развитие стран Ближнего и Среднего Востока/ Отв.ред. Г.К. Широков. М.: Наука, 1979. – 213 с.; Нефть и экономика развитых капиталистических стран/Отв. ред. Ю.А.Борко – М.: 1983. – 226 с.; Примаков А.Е. Персидский залив: нефть и монополии. М.: Мысль, 1983. – 160 с.; Симония А.А. Нефть и газ в странах Юго-Восточной Азии. – М.: Наука, 1983. – 240 с.; Мазур И.И. Глобальная энергетическая безопасность// Век глобализации 1/2008 57–69 [https://www.socionauki.ru/journal/files/vg/2008\\_1/energeticheskaya\\_bezopastnost.pdf](https://www.socionauki.ru/journal/files/vg/2008_1/energeticheskaya_bezopastnost.pdf).

бўйлаб кечаётган «энергетика тифизлиги», Чернобиль ҳалокати, атроф-мухитни муҳофаза қилиш муаммолари тадқиқотчилар олдига янги масалаларни қўйди. Ғарб олимлари томонидан собиқ иттифоқ энергоресурсларини таҳлилий ўрганишга, энергетика хавфсизлигининг минтақавий муаммоларини ҳамда энергия манбаларининг экологияга таъсири каби жиҳатларни тадқиқ этишга киришилди.

Энергетика хавфсизлигига доир тадқиқотлар кейинги даврларда ҳам сусаймади, аксинча, сиёсий-энергетик илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари шаклланди. Бу каби йўналишлар сифатида энергетика ва давлатлар ташқи сиёсатининг ўзаро муносабатлари, энергетика дипломатиясини тадқиқ этишга қаратилган ишларни келтириш мумкин. Олимлар ва мутахассис-экспертлар томонидан глобал энергетика хавфсизлиги ва унинг давлатлар миллий хавфсизлигига таъсири ўрганиб келинмоқда<sup>7</sup>.

Шунингдек, олимлар томонидан мамлакатлар энергетика хавфсизлигини таъминлашда бизнес ва ТМКларнинг таъсири, давлат энергетика сиёсатини шаклланишида уларнинг роли каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган<sup>8</sup>.

Шарқий Осиё минтақаси энергетика хавфсизлигини таъминлашда Япониянинг ташқи сиёсий роли, Япониянинг энергетика ҳамкорлиги ва энергетика дипломатияси, мамлакатнинг энергетика сиёсати каби масалаларни И.А. Носова, И.Л. Тимонина, Д.В. Стрелцов, В.О. Кистанов, И.Н. Комиссина, Э. Усубалиев, Д.А.Кашулин изланишларида учратиш мумкин<sup>9</sup>. Мавзу

---

<sup>7</sup> Арбатов А.А. Энергетическая безопасность – через взаимозависимость [Электронный ресурс]// Вестник Европы. – 2007. – №19-20. URL: <http://magazines.russ.ru/vestnik/2007/19/aas13.html> (дата обращения: 02.02.2014); Анненков В.И., Лахтовский Н.М. Энергетическая безопасность в условиях глобализации// Обозреватель. – 2010. – №1. – С.36-47.; Боровский Ю.В. Современные проблемы мировой энергетики. – М.: Навона, 2011. – 232 с.; Исаков Ю.Н. Проблематика международной энергетической безопасности в деятельности «Группы восьми»: дис. ... канд. истор. наук. – М., 2007. – 233 с.; Лилеин Ю.И. Проблемы обеспечения энергетической безопасности в деятельности «Группы семи/восьми» // Известия РГПУ им. А.И. Герцена. – 2008. – №74-1. – С. 302-308; Кокошин А.А. Международная энергетическая безопасность. – М.: Из-во «Европа», 2006. – 80 с.; Малеев В.В. Энергетическая политика России в условиях глобализации: политологический анализ: дис. ... канд. полит. наук. – М., 2011. – 139 с.; Малек Томаш Эволюция энергетической политики России и стран Евросоюза в условиях глобализации: дис. ... канд. полит. наук. – М., 2011. – 176 с.; Миронов Н.В. Международная энергетическая безопасность. – М.: МГИМО, 2003. – 165 с.; Фоменко О.В. Нефтяной фактор глобального энергетического равновесия: политологический анализ: дис. ... д-ра полит. наук. – М., 2004. – 303 с.; Шадурский А.В. Роль глобализации энергетических отношений в формировании газовой политики Европейского Союза: дис. ... канд. полит. наук.- Санкт-Петербург, 2013. – 136 с.; Moran D., Russell J. Energy Security and Global Politics. The militarization of resource management. Routledge, 2009. – 245 p.

<sup>8</sup> Красавцева А.В. Роль транснациональных корпораций в мирополитических процессах глобализирующегося мира: дис. ... канд. полит. наук. – Санкт-Петербург, 2007. – 171; Крюкова К.В. Транснациональные корпорации в системе политического лоббирования в современной России: дис. ... канд. полит. наук. – Санкт-Петербург, 2011. – 173 с.; Кузовкин А.И. Деятельность транснациональных корпораций на мировых энергетических рынках и экономическая безопасность России/ Под научной редакцией д.э.н., проф. С.Б.Гальперина. – М.: Институт микроэкономики, 2008. – 256 с.; Чуку Е.М. Транснациональные корпорации как акторы международных энергетических отношений: дис. ... канд. полит. наук. – М., 2013 – 202 с.

<sup>9</sup> Носова И.А. Внешнеполитические аспекты энергетической безопасности Японии: 1973 - 2011 гг. автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. М – 2012 – 30 с.; Тимонина И.Л. Долгосрочная экономическая стратегия Японии и интеграционные процессы в Восточной Азии//Российский японоведческий журнал - №2, 2011; Тимонина И.Л. Япония и АТР: конкуренция за энергоресурсы и энергетическая интеграция//Япония в Азиатско-Тихоокеанском регионе: политические, экономические и социально-культурные аспекты. – М., 2009. – С. 200-217.; Стрельцов Д.В. Политика Японии в сфере энергосбережения: исторические и правовые аспекты//Япония. Ежегодник. 2011.; Кистанов В.О. Япония в АТР:



япониялик олимлар Ё.Сакомото, М.Ядзима, Ц.Тоити тадқиқотларида ҳам ёритилган<sup>10</sup>.

Халқаро энергетика муносабатлари, энергетика хавфсизлиги масалалари мамлакатимиз олимлари Т.С.Саттаров, И.Р.Мавланов томонидан тадқиқ этилган<sup>11</sup>. Шарқий Осиёдаги минтақавий жараёнлар ўзбекистонлик олимлар А.Ходжаев, В.С.Ким, Н.Э.Каримова, М.М.Муҳаммадсиддиқов, А.Т. Жалилов, Х.П.Умаров, А.А.Шарапов, И.И.Бобокулов томонидан ўрганилган<sup>12</sup>.

Халқаро энергетика хавфсизлигини таъминлаш муаммолари, давлатларнинг энергетика сиёсати ва энергетика ҳамкорлиги бўйича кўплаб илмий изланишлар олиб борилган бўлса-да, замонавий босқичда Япониянинг ташқи энергетика сиёсати, Шарқий Осиё минтақасида энергетика хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб муаммолари, минтақа энергетика хавфсизлигини таъминлашда Япониянинг ташқи сиёсий фаолияти мамлакатимизда комплекс тарзда кўриб чиқилмаган ва илмий жиҳатдан етарлича тадқиқ этилмаган.

Диссертация ишида Шарқий Осиё минтақаси энергетика хавфсизлигини таъминлашнинг геосиёсий, геостратегик жиҳатлари, минтақавий энергетика интеграциясининг замонавий муаммолари, Япония ташқи энергетика сиёсатининг устувор йўналишлари, минтақа энергетика хавфсизлигини таъминлашда Япониянинг ташқи сиёсий ташаббуслари каби масалалар илмий тадқиқ этилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Тошкент давлат шарқшунослик университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Шарқ мамлакатларида кечаётган сиёсий-ижтимоий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг халқаро муносабатларга таъсири» мавзусидаги устувор илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

---

анатомия экономических и политических отношений – М. 1995. – С. 336.; Комиссина И.Н. Япония и Кавказ: соединит ли их Великий шелковый путь?//Центральная Азия и Кавказ. – 2002 - №3 – С.49-63.; Комиссина И.Н. Япония и Центральная Азия: партнерство набирает силу//Центральная Азия и Кавказ. – 1999 - №2 – С.79-95.; Усубалиев Э. Трансформация Центральной Азии в «коридор мира и стабильности» – новая инициатива Японии // <http://www.easttime.ru/analytic/1/1/134.html>.; Кашулин Д.А. Энергетическая безопасность государства в современном политическом процессе: отечественный и зарубежный опыт: диссертация на соискание ученой степени кандидата политических наук. М – 2016 – 175 с.

<sup>10</sup> Сакомото Ё. Энеруги, има соко-ни ару кики (Кризис современной энергетике) – Токио: Никкан когё симбуися, 2002. – 212 с.; Ядзима М. Энеруги секюрити (Энергетическая безопасность). – Токио, 2002 – С. 222.; Тоити Ц. Энеруги то куни-но якувари (Энергетика и роль государства). – Токио, 2007 – С. 245.

<sup>11</sup> Саттаров Т.С. Нефть и антиимпериалистическая борьба. (1960-1970 гг.) – Т.: Фан, 1974.; Мавланов И.Р. Экономическая дипломатия. – М.: Аспект-Пресс, 2016.

<sup>12</sup> Ходжаев А. Китайский фактор в Центральной Азии. – Т.: Фан, 2007. – 171 с.; Ким В.С., Каримова Н.Э. Центральная Азия и Корея: истоки и нынешнее состояние исторических связей. – Челябинск: Энциклопедия, 2014. – 103 с.; Муҳаммадсиддиқов М.М. Замонавий халқаро муносабатларнинг минтақавий жиҳатлари. – Т. 2019. – 172 б.; Жалилов А.Т. Геосиёсий талкинда жаҳон сиёсатидаги баъзи тенденциялар // XXI асрда жаҳон сиёсати ва Ўзбекистон тажрибаси: сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатлари. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т., 2019. 480 б.;Умаров Х.П. Территориальный вопрос в российско-китайских отношениях. – Т. 2018. – 205 б.; Шарапов А.А. Осиё-Тинч Океани минтақаси давлатлари ва Ўзбекистон Республикаси муносабатлари. – Т. 2014. 215 б.; Бобокулов И.И. Международно-правовые аспекты региональной безопасности: вопросы теории и практики. – Т.: УМЭД, 2010.

**Тадқиқотнинг мақсади** Шарқий Осиёда энергетика хавфсизлигини таъминлашга оид Япониянинг энергетика стратегияси ва кўп томонлама сиёсати хусусиятларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Шарқий Осиё минтақаси энергетика муносабатларининг ривожланиш тенденциялари, минтақадаги энергетик вазиятни сиёсий башорат қилиш, геосиёсий ўзгаришларнинг минтақа энергетика хавфсизлигига таъсирини очиб бериш;

Шарқий Осиё мамлакатларининг кўптомонлама энергетика ҳамкорлигида нодавлат акторлар ролини кенгайтириш имкониятларини кўрсатиш;

халқаро энергетика хавфсизлигини таъминлаш муаммоларини тадқиқ этиш ва уларнинг ечими, ҳал этиш механизмларини очиб бериш;

минтақа энергетика хавфсизлигини таъминлашда Япониянинг ташқи сиёсий ташаббусларини таҳлил қилиш;

Япония энергетика сиёсатининг Марказий Осиё давлатларига, жумладан, Ўзбекистонга доир амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Шарқий Осиё минтақаси энергетика хавфсизлиги масалалари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Шарқий Осиё минтақасида энергетика хавфсизлигини таъминлашнинг ташқи сиёсий жиҳатлари, Япониянинг энергетика хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ташқи сиёсий йўналишлари каби масалалардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот давомида илмий билишнинг умумий ва махсус усулларида кенг фойдаланилди. Хусусан, кузатиш, умумлаштириш, тарихийлик, мантиқийлик, тизимли таҳлил, ивент таҳлил, функционал таҳлил, синтез, қиёслаш каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Шарқий Осиёда энергетика хавфсизлигини таъминлашнинг стратегик ҳамкорлик механизмларини минтақавий сиёсий интеграцион институтларни вужудга келтириш орқали шакллантириш зарурати асосланган;

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Осиё-Тинч океани минтақаси иқтисодий ҳамкорлиги, Шарқий Осиё Саммити, АСЕАН каби сиёсий ва иқтисодий ташкилотларнинг энергетика хавфсизлиги соҳасида минтақа давлатлари ташқи сиёсий стратегияларини мувофиқлаштириш имкониятлари очиб берилган;

Шарқий Осиё Энергетика Конференциясини таъсис этиш ва тузилмага Марказий Осиё мамлакатларини аъзо сифатида қабул қилиш таклифи асосланган;

Япониянинг Шарқий Осиёда энергетика хавфсизлиги замонавий архитектураси шаклланишидаги етакчилик ва ташқи сиёсий регуляторлик вазифаси минтақада ягона энерготизимни вужудга келтириш имконияти сифатида далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

Шарқий Осиёда минтақавий интеграция жараёнларини ривожлантириш, энергия ресурслари борасида Каспий ҳамда Марказий Осиё минтақаси

имкониятларидан ўзаро манфаатли фойдаланиш, минтақавий энергетика интеграцияси борасида музокаралар олиб бориш, Шарқий Осиё Энергетика Ҳамжамияти Шартномасига эришиш ва доимий институтлар билан Шарқий Осиё Энергетика Конференциясини ишга тушириш, тузилмага Марказий Осиё мамлакатларини аъзо ёки кузатувчи сифатида қабул қилиш таклифлари ишлаб чиқилган;

Япониянинг минтақада энергетика хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ташқи сиёсий ташаббуслари, халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасидаги энергетика манфаатларини мувофиқлаштириш зарурлиги асосланган;

Ўзбекистоннинг Япония билан атом энергетикаси бўйича ҳамкорлигини ривожлантириш, Ўзбекистон атом энергетикаси соҳасига Япония инвестицияларини жалб этиш, атом энергетикаси хавфсизлигини таъминлаш, ядро авариялари ва радиациявий авария ҳолатларини бартараф этиш бўйича Япония билан яқиндан ҳамкорлик қилиш, табиий-техноген таъсирлар олдини олиш бўйича япон тажрибасини ўрганиш, ядровий ва радиациявий хавфсизликни таъминлаш бўйича Япония билан қўшма тадбирлар ва ўқув-машғулотларини амалга ошириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** тадқиқотда фойдаланилган манбалар, уларни илмий муомалага олиб кириш, бу жараёнларда қўлланилган ёндашув ва усуллар, расмий ҳужжатлар, республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари, тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, шунингдек, улар ҳақидаги рецензиялар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таҳлиллар, умумлашмалар, хорижий манбалар халқаро ва минтақавий энергетика хавфсизлигининг ҳам назарий, ҳам амалий масалаларини, Шарқий Осиё минтақасидаги геосиёсий жараёнлар ва уларнинг энергетика хавфсизлигига таъсирини, Япония ташқи сиёсатининг устувор йўналишларини тадқиқ этаётган тадқиқотчи ва мутахассислар учун фойдали бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти илмий хулосалар ва ундаги маълумотлардан олий ўқув юртларида «Халқаро хавфсизлик», «Энергетика дипломатияси», «Энергетика ва иқтисодий дипломатия», «Халқаро муносабатларда энергетика омили», «Ташқи сиёсий фаолият», «Жаҳон сиёсати», «Шарқ мамлакатлари халқаро муносабатлари» каби фанларни ўқитишда, маъруза матнлари ҳамда ўқув ва ўқув-методик қўлланмалар яратишда фойдаланиш, шунингдек, тадқиқот натижалари энергетика сиёсати, ёқилғи-энергетика тизими, энергия ресурслари таъминоти масалалари билан бевосита шуғулланадиган вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари, илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда «таҳлилий марказлар» томонидан қўлланилиши мумкинлиги билан ифодаланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Шарқий Осиё минтақаси энергетика хавфсизлигини таъминлашда Япониянинг ташқи сиёсий роли мавзуси бўйича олинган натижалар асосида:

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги икки томонлама муносабатларни ривожлантириш борасидаги илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Маслаҳатчиси-Спичрайтер бўлинмаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил декабридаги Япония давлатига расмий ташрифи олдидан ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президентининг Маслаҳатчиси-Спичрайтер бўлинмасининг 2020 йил 12 июндаги далолатномаси). Мазкур илмий натижалар Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида икки томонлама энергетика ҳамкорлигини кучайтириш чора-тадбирларини кўришга, соҳага тегишли норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга хизмат қилган;

Япониянинг энергетика хавфсизлигини таъминлашдаги сиёсати ва стратегияси, ташқи сиёсий ташаббусларига оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг республика вазирлик ва идораларига юбориладиган ахборот-таҳлилий ҳужжатларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2020 йил 28 майдаги №02/20533-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон Республикаси энергетика соҳасини модернизация қилиш, мазкур соҳада ислохотларни ўтказиш учун методологик асос бўлиб хизмат қилган;

Ўзбекистоннинг Япония билан энергетика соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантиришга оид илмий натижалардан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтида бир қатор ахборот-таҳлилий материалларни ҳамда «Ўзбекистон ва Япония: ўзаро манфаатларга асосланган ҳамкорлик» номли таҳлилий материални тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтининг 2020 йил 6 августдаги 05-4/517 сон маълумотномаси). Мазкур илмий натижалар Ўзбекистон ва Япония стратегик ҳамкорлигининг савдо-иқтисодий, энергетика ва инвестициявий йўналишлари кўлами ва истиқболини аниқлашга хизмат қилади;

Япониянинг Шарқий Осиёда энергетика хавфсизлиги замонавий архитектураси шаклланишидаги етакчилик ва ташқи сиёсий регуляторлик вазифаси минтақада ягона энерготизимни вужудга келтириши юзасидан олинган илмий натижаларидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси айрим кўрсатувларининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган, хусусан, «O'zbekiston tarixi» телеканалида эфирга узатилган «Тақдимот» кўрсатувида диссертацияда илгари сурилган энг муҳим илмий-назарий ҳамда амалий фикрлар ёритилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2020 йил 13 февралдаги 02-10-358-сон маълумотномаси). Мазкур кўрсатувнинг эфирга узатилиши Япониянинг замонавий энергетика сиёсати мазмун-моҳияти, қайта

тикланадиган энергия манбалари ва технологияларини ривожлантириш борасидаги тажрибаларини кенг жамоатчиликка етказилишига хизмат қилган.

**Тадқиқот ишининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 18 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 8 та халқаро, 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 30 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, хорижий нашрда 1 та мақола, республика нашрларида 20 та илмий мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг тадқиқот қисми 156 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Энергетика хавфсизлиги муаммоларини тадқиқ этишнинг назарий жиҳатлари»**, дея номланади. Ушбу бобда энергетика хавфсизлиги масалаларини тадқиқ этиш борасидаги концептуал қараш ва ёндашувларда энергия ресурслари муаммолари талқини, минтақавий хавфсизлик ва ёқилғи-энергетика ресурслари муаммоларининг ўзаро боғлиқлиги ҳамда энергетика хавфсизлигига асосий таҳдидларнинг хусусиятлари, халқаро энергетика хавфсизлигини таъминлашнинг замонавий муаммолари кўриб чиқилган. Энергетика муаммоларининг миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликка таъсири таҳлили асосида қуйидаги асосий жиҳатларга аҳамият қаратилган:

*Биринчидан*, сиёсий фанларнинг муҳим вазифасига айланган энергетика хавфсизлиги бугунги кунда энг долзарб бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга, замонавий дунёдаги сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар ушбу муаммонинг ўрганишга бўлган илмий қизиқишга катта таъсир кўрсатмоқда. Ўтган давр мобайнида тўпланган энергетика хавфсизлиги масалаларини татбиқ этиш тажрибаси, шунингдек, унинг пайдо бўлишининг янги жиҳатлари кўп томонлама ва кенг қамровли махсус тадқиқотлар талаб қилади. Шу боисдан, сиёсий фанда энергетика хавфсизлиги муаммоларининг назарий асосларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар қандай фан учун ўрганилаётган ҳодисаларнинг моҳияти, ўзига хос хусусиятлари, унинг бошқа жараёнлар билан ўзаро таъсирини акс эттирувчи

концептуал жиҳатлар жуда муҳимдир. Муайян соҳанинг асосий тушунчалари ва тамойилларининг ноаниқлиги ва турли талқинлари тадқиқотчилар ўртасида тушунмовчиликка олиб келиши мумкин. Концепцияларнинг узвийлиги олимлар ўртасидаги мулоқотни осонлаштиради ва кўриб чиқиладиган муаммони ҳал этишда келишувга эришишга ёрдам беради.

Энергетика хавфсизлиги моҳиятан бугун энергетика тизимининг мамлакат учун узлуксиз энергия таъминотини тўхтатиши мумкин бўлган таҳдидлардан иборат бўлиши мумкин. Миллий энергетика хавфсизлигини таъминловчи асосий субъект ўз фаолиятини энергетика сиёсати ва энергетика стратегиясига мувофиқ амалга оширадиган давлатдир.

Давлатларнинг энергия хавфсизлигини таъминлаш усулларига бўлган ёндашувлари ўзига хос хусусиятларга эга ва энергия салоҳияти ва хавф-хатарнинг хилма-хиллигига боғлиқ. Мамлакат учун энг катта таҳдид ўз ресурслари етишмаслиги ва доимий равишда четдан сотиб олиш мажбуриятидир. Бугун энергетика соҳасидаги энг кўп истеъмол қилинадиган энергия манбалари углеводородлар ва ядровий ёқилғи ҳисобланади. Ресурслар борасидаги асосий муаммолар сайёрада углеводородларнинг нотекис тақсимланиши ва уларнинг тез орада тугаб-битиши прогнозлари, қайта тикладиган энергия ресурсларининг етишмаслиги ва жуда қимматлиги билан характерланади.

Шунга кўра, энергетика муаммолари биринчи навбатда ресурсларнинг беқарорлик омиллари, давлатлараро можаролар ва миллий энергетика хавфсизлигини таъминлаш борасидаги зиддият билан боғлиқ. Энергетика соҳасидаги муаммоларнинг умумий илдизларини топиш ва келишмовчиликларни бартараф этиш учун илмий жамоа энергетика хавфсизлигининг концептуал масалаларини муҳокама қилмоқда. Ушбу мавзунини тадқиқ қилиш ҳодисанинг моҳиятини тушуниш ва ягона энергетика бозорини тартибга солишнинг самарали механизмларини топиш учун жуда муҳимдир.

Умумий ёндашувларни шакллантириш учун асос энергетика хавфсизлигининг универсал жиҳатлари ҳисобланади. Бу биринчи навбатда энергетика хавфсизлигини миллий манфаатларнинг бир қисми сифатида кўриб чиқишдир. Ҳар қандай давлат, энергетика хавфсизлигини миллий хавфсизликнинг муҳим таркибий қисми деб ҳисоблайди. Энергетика хавфсизлигининг ушбу жиҳати кўплаб давлатларнинг расмий ҳужжатларида акс эттирилган. Албатта, миллий хавфсизликка ёндашувлар ҳар бир давлат учун ўзига хос хусусиятларга эга бўлган вазифалардан келиб чиқади. Ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш учун айрим мамлакатлар бошқа мамлакатларнинг углеводород ҳудудларида ҳарбий куч ишлатиш ёки назорат қилишга интиладилар. Бироқ, барча мамлакатлар учун энергия ресурсларидан доимий фойдаланишни таъминлаш орқали дунёда барқарорликка эришиш мумкин. Энергия хавфсизлигини таъминлашнинг барча жиҳатлари унинг барқарор ривожланишга таъсирида кўринади.

Халқаро энергетика муаммолари тадқиқи халқаро муносабатлар табиати ҳақидаги мунозаралар умумназарий асосларига қурилган. Шу боисдан

энергетика масалалари билан шуғулланувчи кўпгина тадқиқотчилар илгаригидек, неореалистик қарашда таҳлил ўтказишни афзал деб, биладилар. Шунинг учун уларнинг диққат-эътибори миллий манфаат, хавфсизлик, ҳарбий зиддият ва минтақавий низолар контекстида ўрганилувчи давлатларнинг энергетика сиёсати марказида туради.

Шундай қилиб, энергетика хавфсизлигига оид назарий қараш ва ёндашувлар, сиёсий фикр ва ғоялар глобал энергетика муносабатларининг геосиёсий, ҳарбий-сиёсий, индустриал-иқтисодий, молиявий, экологик, технологик муаммоларини кенг қўламли тадқиқ ва таҳлил этиш ҳамда уларнинг ечимига қаратилган бўлмоғи лозим. Назарий ёндашувлар миллий манфаатлар призмаси орқали халқаро энергетика хавфсизлиги ва энергетика дипломатиясини ташқи сиёсат воситаси сифатида талқин қилади. Бу қарашлар геосиёсат ва геоиқтисодиёт, икки ва кўп томонлама ҳамкорлик масалалари, халқаро ташкилотлар, глобал бозор ва ТМКларнинг ролини таҳлил ва прогнозлашда қўлланилади.

Халқаро энергетика алоқаларининг изчил ривожланиб бориши ва тез ўзгарувчан характерга эгаллиги турли замонавий назарий конструкциялар янги тадқиқот дастурлари билан тўлдирилиши даркорлигини англатади. Энергетика соҳасидаги замонавий тадқиқотлар одатда назарий эклектик тавсифланади. Неореализм ва неолиберал назариялар тарафдорлари ўртасидаги анъанавий келишмовчилик ҳозирги кунда кам аҳамиятлидир.

Шу боисдан, диссертацияда конструктивизм, халқаро сиёсий иқтисод, неомарксизм мактаблари ғояларини мувофиқлаштириш орқали муқобил ёндашувларга асосланган тадқиқотларни ривожлантириш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этиши асосланган.

*Иккинчидан*, бугунги кунда энергетика хавфсизлигига бўлган асосий таҳдидлар ва унинг натижасида юзага келадиган энергетика муаммолари халқаро ва минтақавий хавфсизликка таъсир кўрсатмоқда. Энергия хавфсизлигини таъминлаш жаҳон ҳамжамияти олдида турган муҳим ва мураккаб вазифалардан бирига айланди. Бу масала халқаро муносабатларнинг барча субъектлари томонидан энергетика хавфсизлиги соҳасида мавжуд таҳдид ва хавфларни бартараф этиш ва ҳал қилиш учун биргаликдаги ҳаракатларни талаб қилади. Энергия хавфсизлиги муаммоси жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви, энергия тизимларининг атроф-муҳитга салбий таъсири ҳамда сайёрамизнинг анъанавий энергия манбаларининг камайиши билан боғлиқ. Бу омиллар дунё цивилизациянинг барқарор ривожланиши учун хавф туғдиради.

Энергетика хавфсизлигини таъминлаш кўп қиррали бўлиб, энергия ишлаб чиқаришнинг барча босқичлари инфратузилмасини ривожлантириш, кўплаб энергия экспортёрлари билан халқаро ҳамкорликни таъминлаш вазифаларини назарда тутати<sup>13</sup>. Энергетика хавфсизлигига таҳдидлар: давлатга нисбатан – ички ва ташқи; салбий оқибатларнинг миқдорига кўра – миллий ва глобал; манбасига кўра – инсоний, иқтисодий, табиий, ижтимоий, экологик, сиёсий

---

<sup>13</sup> Борисова В.Д. Актуальные вопросы международной энергетической безопасности // Экономические науки. – 2010. – № 10(71). – С. 283-286.

бўлиши мумкин. Кўпинча, техник муаммолар билан боғлиқ хавф экологик оқибатларга олиб келади, иқтисодий таҳдидларни бартараф этиш ўз навбатида сиёсий ечимларни талаб қилади. Энергия хавфсизлигига таҳдидларнинг барча турларини аниқлаш ва таҳлил қилиш уларни бартараф этиш учун тегишли ёндашув ва чора-тадбирларни ишлаб чиқишда давлатларнинг энергетика стратегияси, ташқи ва ички энергетика сиёсати ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Ҳар қандай таҳдидларни бартараф этишнинг самарали усуллари топиш учун уларнинг табиатини тушуниш муҳимдир. Булар: келиб чиқиш сабаблари, ривожланиш тенденциялари, беқарорлаштирувчи таъсирнинг даражаси ҳамда миқдори ва бошқалар билан боғлиқдир.

Шу ўринда, энергетика соҳаси ўзаро боғлиқлик ва ўзаро алоқалар билан характерланишини таъкидлаш зарур. Ушбу тизимнинг бир таркибий қисмидаги муаммоларнинг пайдо бўлиши барча иштирокчилар учун салбий реакциялар тўлқинини келтириб чиқариши мумкин. Энергия занжирининг асоси бўлган етказиб берувчилар энергия ресурсларининг мавжудлиги ва узлуксизлиги, саноатга инвестицияларнинг бардавомлигидан манфаатдордир. Энергияга бўлган талабнинг барқарорлиги орқали ўз навбатида истеъмолчилар етказиб берувчиларнинг инвестицияларини оқлашлари керак. Шундай қилиб, энергетика муносабатлари субъектларнинг ўзаро бир-бирига боғлиқлиги асносида кечади.

Халқаро энергетика муносабатларининг асосий субъекти тобора кўпроқ алоҳида давлатлар бўлиб қолмоқда. Ушбу давлатларнинг энергетик манфаатлари кўпинча миллий чегаралардан ташқарига чиқмоқда ва ўз мамлакатларига энергия таъминотини барқарорлигини таъминлаш учун дунёдаги энг истиқболли майдонларни назорат қилишга интиломоқдалар. Назоратни ўрнатиш усуллари эса иқтисодий, дипломатик, ёки тўғридан-тўғри куч ишлатиш – бевосита ҳарбий аралашув бўлиши мумкин. Углеводородлар жуда оз сонли давлатларнинг ҳудудларида тўпланганлигини инобатга оладиган бўлсак, бу ҳудудлар манфаатлар ва қарама-қаршилик объектларининг кесишиш зонасига айланди. ХХІ асрда ташқи дунё томонидан уюштирилган «рангли инқилоблар» технологиялари халқлар ва давлатларнинг суверен иродасини четлаб ўтиб, ушбу мамлакатларнинг ресурсларини назорат қилиш учун сиёсий режимларни ва сиёсий элитани ўзгартириш учун кенг фойдаланилмоқда.

Энергия хавфсизлигига янги таҳдид сифатида энергия ресурслари транзитини тўсиб қўйиш, энергия ресурслари объектларини эгаллаб олиш каби намоён бўлмоқда. Энергия таъминот занжири доимо мураккаб ва узайиб бормоқда, энергия ресурслари олиб ўтилаётган мамлакатлар сони ортиб бормоқда. Авваламбор, бу сўнгги йилларда қурилиши жадаллашган энергия ресурслари қувурлари билан боғлиқ. Транзит давлатлари кўпинча транспорт коридорларидан экспортёр ва импорт қилувчиларга нисбатан сиёсий босим механизми сифатида фойдаланилмоқдалар. Натижада, етказиб беришдаги муаммолар, ва ҳатто қувурларни ёпиш натижасида ҳудудлараро можаролар юзага келмоқда. Узлуксиз транзитни амалга ошириш масаласи ўзаро ҳамкорликнинг зарурлигини аниқ кўрсатмоқда. Барча энергия таъминот



занжири хавфсизлигини таъминлашга фақат давлат даражасида мувофиқлаштирилган ўзаро таъсирлар орқали эришиш мумкин.

Яқин келажакда углеводородлар учун жиддий муқобил ресурсларнинг мавжуд эмаслиги, янги қазилма ёқилғи захираларини излаш ва ривожлантиришга сабаб бўлмоқда. Бу эса, кўпинча баҳсли ҳудудлардаги низолар шаклида энергетика хавфсизлигига янги таҳдидларни келтириб чиқармоқда. Масалан, Арктикада энергетика лойиҳаларини амалга ошириш учун бир қатор давлатлар даъвогар бўлиб келмоқда. Бу борада Россия, Дания ва Канада анча фаолдир. Ҳозирда Норвегия, Швеция, Финляндия ва Исландия ҳам унга қўшилишни режалаштирмоқда.

Шундай қилиб, замонавий энергетика дунёсининг ҳолати кенгайиб бораётган таҳдидлар кўлами билан тавсифланади. Шу билан бирга, ҳар бир мамлакат учун хавфларнинг таркиби ва характери индивидуалдир. Бундан ташқари, бир хил таҳдидларнинг муайян мамлакатларнинг энергетика хавфсизлигига таъсир даражаси фарқ қилади. Бир мамлакат учун муаммо бўлган вазият бошқаси учун фойда бўлиши мумкин. Шунинг учун энергетика хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этиш усуллари турли хусусиятларга эга бўлиши мумкин. Шу билан бирга, замонавий босқичда ҳар қандай давлат ёқилғи-энергетика тизимининг ишончли ишлаши, изчил ташқи сиёсат ҳамда фаол энергетика ҳамкорлиги ва мамлакатни энергия билан таъминлашнинг зарур даражасини қўллаб-қувватлайдиган самарали механизмларни ишлаб чиқиш энергетика хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Учинчидан, Энергия хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим элементи энергетика соҳасидаги давлатлар ўртасидаги ҳамкорликдир. Халқаро муносабатларнинг таркибий қисми бўлиб келган халқаро энергетика алоқалари жаҳон сиёсатининг табиати ва мазмунига таъсир қилади ва ўз навбатида у томонидан шаклланади. Жаҳон энергетика соҳаси ривожланиб, халқаро муносабатларга таъсири кучаймоқда. Бошқа томондан, бу муносабатларнинг субъектлари халқаро ҳамкорликда иштирок этиб, амалда бўлган умуммажбурий қоидалар билан боғлиқ, кўпинча уларнинг манфаатларига мос келмайдиган муайян чекловларга дуч келмоқда. Бундай вазиятда энергетика соҳасидаги ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун самарасиз чоралар кўрмаслик учун доимо ўзгариб бораётган замонавий халқаро воқеликка мослашишга тўғри келади.

Замонавий сиёсий жараён мутаносиб характерга эга: интеграция ва дезинтеграция, глобаллашув ва маҳаллийлаштириш, айрим халқларнинг бирқутбли ва бошқаларининг кўп қутбли дунёга интилиши кузатилади. Мамлакатлар орасидаги иқтисодий тафовут ўсиб бормоқда, бозорлар ва товарлар учун рақобат кенгаймоқда, бошқа мамлакатларнинг хомашёсини назорат қилиш учун интилиш эса ўсиб бормоқда.

Замонавий сиёсий жараённинг муҳим хусусияти – умумий институтлар негизида коллектив энергетика хавфсизлигининг минтақавий тизимларини яратиш тенденциясини ифодалайди. Масалан, бундай ташкилотлар Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик (ПЕСФ) ҳукуматлараро форуми, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва бошқалардир.

Халқаро ташкилотларнинг кенг қамровли фаолиятига қарамай, бугунги кунга қадар энергетика бозоридаги барча иштирокчиларнинг манфаатларини тартибга соладиган самарали фаолият кўрсатадиган халқаро ташкилот мавжуд эмас. Масалан, Энергетика барқарорлиги кенгаши ёки мавжуд институтлар ўртасида мустаҳкам алоқани ўрнатиш ёки умумий энергетика қонунчилиги ва энергия хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ихтисослашган муассасалар, тузилмалар яратиш каби ишларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Шундай қилиб, бугунги кунда халқаро энергетика хавфсизлигининг мавжуд тизими халқаро-сиёсий, институционал жиҳатдан муайян тузатишларни тақозо қилади. Дунёда бундай янги энергетика тартиботини яратиш барча бозор иштирокчилари ўртасида манфаатлар мувозанатини талаб қилади.

Диссертация ишида халқаро энергетика муносабатларининг сиёсийлашуви шароитида Шарқий Осиёда энергетика хавфсизлигини таъминлашнинг мустаҳкам ва самарали асосини яратиш мақсадида иқтисодий ҳамкорликни хавфсизлик соҳасидаги сиёсий интеграция билан бирлаштирувчи кўп томонлама стратегик ҳамкорлик механизмларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, ягона минтақавий энергетика хавфсизлиги стратегиясини ишлаб чиқиш зарурати асосланган.

Умуман олганда, ушбу бобда энергетика хавфсизлигини таъминлаш борасидаги турлий назарий қараш ва ёндашувлар таҳлилий ўрганилган, турли замонавий назарий конструкциялар янги тадқиқот дастурлари билан тўлдирилиши даркорлиги, конструктивизм, халқаро сиёсий иқтисод, неомарксизм мактаблари ғояларини мувофиқлаштириш орқали муқобил ёндашувларга асосланган тадқиқотларни ривожлантириш юзасидан таклифлар илгари сурилган. Шунингдек, халқаро ва минтақавий энергетика хавфсизлигига асосий таҳдидларнинг хусусиятлари, уларни бартараф этиш масалалари, энергетика хавфсизлигини таъминлашнинг замонавий муаммолари атрофлича ўрганилди ва илмий асослашга ҳаракат қилинди.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Шарқий Осиё минтақасида энергетика хавфсизлигини таъминлашнинг геосиёсий, геостратегик жиҳатлари»** деб номланади. Ушбу бобда Шарқий Осиёдаги геосиёсий трансформацияларнинг энергетика хавфсизлигига таъсири, минтақа энергетика хавфсизлигини таъминлашнинг замонавий муаммолари, минтақавий интеграция жараёнларининг энергетика хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни, энергетика интеграциясининг институционал асослари, Япония ёқилғи-энергетика тизимининг ривожланиш тенденциялари каби масалалар ўрганилган. Олиб борилган тадқиқот натижасида Шарқий Осиё минтақасида энергетика хавфсизлигини таъминлашнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари очиб берилган:

Замонавий халқаро муносабатларда Шарқий Осиёнинг роли ва аҳамияти тез суръатлар билан ўсиб бораётган янги давр бошланди. Жаҳон иқтисодиёти ва сиёсати марказининг «янги Осиё»га – унинг шарқий минтақасига кўчиши замонавий дунё тараққиёти тенденцияларининг энг муҳимидир. Геосиёсий ўзгаришларнинг муаммолари ва уларнинг энергетика тизимига таъсири

замонавий дунё тартиботи шаклланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, углеводород омили халқаро муносабатларда тобора муҳим рол ўйнамоқда.

Шарқий Осиё минтақасидаги халқаро вазият чуқур геосиёсий ўзгаришлар билан тафсилланади. Ушбу ўзгаришлар Хитой қудратининг ортиши, минтақадаги бир қатор ривожланаётган давлатларнинг юксалиши, Япониянинг ҳарбий соҳада ҳар қандай чекловлардан ҳоли давлатга айланиш истаги ва минтақада етакчиликка интилиши каби қатор муҳим омиллар билан изоҳланади.

Жаҳон иқтисодий ва сиёсий ривожланиш марказининг Осиё-Тинч Океани минтақасига силжиши билан бир қаторда, жаҳон сиёсатининг етакчи иштирокчилари ўртасидаги қарама-қаршиликлар ҳам бу ерга кўчиб ўтди. Сўнгги пайтларда бозорлар, инвестиция манбалари ва ресурслар учун иқтисодий рақобат кучаймоқда. Ўз навбатида, ривожланиш учун қулай ташқи шароитлар, хавфсизлик кафолатлари, халқаро нуфуз ва янги ривожланаётган минтақавий архитектурага таъсир қилиш имконияти учун сиёсий рақобат ҳам кучайиб бормоқда.

Бугунги кунда глобал энергия бозорларида икки омил – Шарқий Осиёда энергия талабининг кескин ўсиши ва Шимолий Америкада сланец гази ва нефть қазиб олишнинг қутилмаган даражада кўтарилиши натижасида туб ўзгаришлар юз берди. Хитой дунёдаги энг йирик нефть импортёрига айланди. Фукусима фалокатидан сўнг Япониянинг узок вақтдан бери давом этиб келаётган нефть ва газ импортига қарамлиги кескин ортди. Бундан ташқари, дунё ва минтақада кечаётган геосиёсий жараёнларнинг иштирокчиси бўлган Япония энергетика муносабатларида ҳам ўта мураккаб вазиятда турибди. Мамлакат ОПЕС ва йирик нефть консорциумлари ўртасидаги музокараларда иштирок этмайди, энергия ресурсларини улар белгилаган нархларда сотиб олишга мажбур. Импорт қилинадиган энергия ресурсларига бўлган қарамлик юқори бўлиб, мамлакат кунига 3,5 миллион баррел нефть импорт қилади. Нефть ва газ таъминотига ишончли ва қулай эришиш Япония учун тобора муҳим ва устувор вазифага айланиб бормоқда, у Шарқий Осиё минтақаси ва умуман дунё энергетика бозорини мустақамлаш ва янги ҳамкорликлар ўрнатишга қизиқишни кучайтирмоқда.

Минтақадаги сўнгги ўзгаришлар мавжуд энергетика хавфсизлиги тизимининг эскирганлиги, Шарқий Осиё мамлакатлари учун глобал ва минтақавий энергетиканинг янги воқеликлари мувофиқ минтақа энергетика хавфсизлигини таъминлаш сиёсатида жиддий ўзгаришлар киритиш вақти келганидан далолат беради. Шарқий Осиё мамлакатлари энергетика хавфсизлиги тобора кескинлашиб бораётган вазиятга мослашиши ва минтақа энергетика хавфсизлигини таъминлаш потенциалига эга бўлиши жуда муҳимдир.

Шарқий Осиё мамлакатлари томонидан энергетика хавфсизлигининг умумий манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳамкорлик яқин вақтгача жуда содда ва одатда самарасиз бўлиб келди. Гарчи, АРЕС ва Шарқий Осиё Саммити каби минтақавий институтлар узок муддатли кун тартибда ушбу

соҳада ташаббуслар билан чиқишса-да, уларнинг ҳеч бири изчил амалга оширилмади ва энергетика соҳасида минтақавий ҳамкорликнинг кучайишига олиб келмади.

Шунингдек, Шарқий Осиё мамлакатлари энергия ресурсларини етказиб бериш билан боғлиқ хавфларни бошқариш ва минтақадаги инфратузилма ва энергетика сиёсатида умумий ёндашувларни кучайтириш учун минтақавий институционал механизмларни яратишга муҳтож. Ҳозирги пайтда Шарқий Осиё глобал энергия талабининг маркази бўлганлиги боис, минтақа давлатларининг энергетика сиёсати янги шароитларда дунё энергетика хавфсизлигига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Замонавий тенденциялар ҳамда халқаро ва минтақавий ҳамкорлик шуни кўрсатадики, Шарқий Осиёда минтақавий хавфсизлик ва ҳамкорлик муаммоси мураккаб ва кўп қирралидир. Минтақада кенг қамровли минтақавий хавфсизлик архитектурасининг яратилиши Шимоли-Шарқий Осиё ва бутун Шарқий Осиёда умумий хавфсизлик тизимининг вужудга келишини таъминлайди.

Шарқий Осиё шароитида минтақавий ҳамкорлик ўзаро бир-бирини тўлдириш хусусиятига эга бўлиб, масалан, Япония ва Жанубий Корея каби саноати ривожланган давлатлар минтақадаги ривожланаётган мамлакатларга энергия самарадорлиги ва уни тежаш борасида кўмак кўрсатишлари мумкин. Шу нуқтаи назардан, Япониянинг нефтдан фойдаланишни чеклаш, муқобил ёқилғини қўллаб-қувватлаш ва энергия самарадорлигини ошириш бўйича тажрибаси Хитой учун муҳимдир<sup>14</sup>. Япониянинг энг замонавий ва самарали ҳамда экологик тоза технологиялари, хусусан, иссиқхона газлари чиқиндиларини камайтириш, электр станцияларининг самарадорлигини ошириш борасидаги тажрибалари минтақанинг бошқа мамлакатлари учун ҳам фойдалидир.

Умуман олганда, минтақа энергетика хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этиш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш стратегиялари минтақадаги геосиёсий трансформациялар ҳамда сўнгги тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда, кўпроқ минтақавий ҳамкорлик ва интеграцияга йўналтирилиши лозим. Ушбу минтақада энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида ҳамкорликдан кўра рақобат феномени сақланиб қолмоқда. Минтақанинг келажакдаги ривож ва барқарорлигини сақлаш учун самарали ва институционал минтақавий энергетика интеграцияси зарур ва муҳимдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, диссертацияда минтақавий энергетика интеграцияси борасида музокаралар олиб бориш ва қонуний кучга эга бўлган энергия бўйича келишув – Шарқий Осиё Энергетика Ҳамжамияти Шартномасига эришиш ва доимий институтлар билан Шарқий Осиё Энергетика Конференцияси механизмини ишга тушириш, тузилмага Марказий Осиё мамлакатларини аъзо сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқлиги, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Осиё-Тинч океани минтақаси иқтисодий ҳамкорлиги, Шарқий Осиё Саммити, АСЕАН каби сиёсий ва иқтисодий ташкилотларнинг

---

<sup>14</sup> Calder KE. The New Continentalism: Energy and Twenty-First-Century Eurasian Geopolitics. Yale University Press, New Haven, CT 2012.

минтақавий энергетика хавфсизлиги соҳасидаги фаолиятини энергетикага ихтисослашган тузилмалар вазифаларини мувофиқлаштириш орқали кучайтириш зарурати далилланган.

**«Япония энергетика сиёсатининг устувор йўналишлари»**, деб номланган учинчи бобда замонавий босқичда Япониянинг энергетика сиёсати ва стратегияси, энергетика хавфсизлигининг ташқи сиёсий жиҳатлари, минтақа энергетика хавфсизлигини таъминлашда Япониянинг ташқи сиёсий ташаббуслари, Шунингдек, Япониянинг Марказий Осиёдаги энергетика дипломатияси ва инвестицион сиёсати тадқиқ этилган. Унда, жумладан, қуйидаги асосий жиҳатларга эътибор қаратилган:

Япониянинг ташқи энергетика сиёсати энергия ресурсларини етказиб берувчи давлатлар билан ўзаро самарали ҳамкорлик ўрнатиш, шунингдек, янги муқобил энергия манбаларини вужудга келтириш ва шу орқали минтақа ва мамлакатнинг энергетика тизими хавфсизлигини таъминлашга қаратилганлигини англатади. Зеро, замонавий дунёда энергетика хавфсизлигини таъминламай туриб, миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш, барқарор ривожланишнинг имкони йўқ.

Бугунги кунда Япония мустақил равишда мамлакатнинг энергияга бўлган эҳтиёжининг 16 фоизинигина таъминлай олади, холос. Нефть асосий энергия манбаи сифатидаги мавқеини ханузгача сақлаб турибди. Мамлакатга импорт қилинадиган нефтнинг асосий кўлами Яқин Шарқ минтақасига тўғри келиб, нефть етказиб берувчи асосий давлатлар бешлигини Саудия Арабистони, БАА, Эрон, Қатар ва Кувайт эгаллаб турибди.

Глобал ва минтақавий энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлаш, Шарқий Осиёдаги энергетик вазиятни яхшилаш Япония ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири саналади. Дунё умумий энергия истеъмолининг 60% и, нефть истеъмолининг 28% и Шарқий Осиё мамлакатларига тўғри келиши минтақавий муносабатларда энергетика омилининг долзарблигини оширади.

Бугунги кунда Япониянинг минтақадаги энергетика сиёсати қуйидаги стратегик мақсадларни кўзлайди: дунё энергетика майдонида кечаётган жараёнларга дарҳол муносабат билдириш салоҳиятини кучайтириш; энергоресурсларни экспорт қилувчи мамлакатлар, шунингдек, транзит давлатлар билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш; энергоресурслар етказиб бериш манбаларини диверсификациялаш; энергия манбаларидан унумли фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида самарали ташқи сиёсат юритиш; энергия ресурсларини мамлакат ва минтақага «мақбул нархларда» барқарор равишда етказиб берилишини таъминлаш; энергетика инқирозининг олдини олиш мақсадида мамлакат ва минтақадаги стратегик резервларни барқарор тутиб туриш; минтақанинг энергия ресурсларига бўлган талабининг кескин ўсишига йўл қўймаслик (Хитой ва Ҳиндистоннинг минтақадаги энергия ресурслари борасидаги фаоллигини чеклаш орқали); минтақага нефть ва газ етказиб беришнинг янги манбаларини излаб топиш; глобал энергетика хавфсизлигини таъминлаш борасида зарур шарт-шароитни вужудга келтириш.

Бугунги кунда ҳам Яқин Шарқ минтақаси Шарқий Осиё мамлакатларининг ресурслар масаласидаги анъанавий манфаатлари нуқтаси бўлиб келмоқда. Шарқий Осиёда энергетика хавфсизлигини таъминлашда расмий Токио энергетика дипломатиясига катта аҳамият қаратади. Ҳукумат раҳбари ва расмийларнинг Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб таърифлари доирасида энергетика масаласида келишув ва битимлар имзоланиши устувор аҳамият касб этади. Япониянинг Форс кўрфази давлатлари ҳамкорлиги Кенгаши (ФКДХК) билан эркин савдо зоналари барпо этиш тўғрисидаги музокараларга киришиши мамлакатни араб олами билан яқинлаштириб, нефть хариди учун мақбул шароит яратади. Эркин савдо зоналари ташаббусларининг Хитой, Жанубий Корея ҳамда Ҳиндистон томонидан ҳам илгари сурилиши, бу давлатларнинг Яқин Шарқ энергия ресурслари борасида ўхшаш тактика қўллаши ва ўзига хос рақобат вужудга келганидан дарак беради.

Япония энергетика дипломатиясининг янги вектори сифатида Каспий ва Марказий Осиё минтақасининг ҳам ўрни тобора ошиб бормоқда. Минтақанинг углеводород ресурсларига бой мамлакатлар билан энергетика ҳамкорлиги Р. Хасимото томонидан илгари сурилган «Буюк ипак йўли дипломатияси»га асосланади. Япония энергетика дипломатиясининг истиқболга мўлжалланган режалари минтақа энергия захираларини ХХР ва Корея ярим ороли орқали Япония ороллариغا етказиш мақсадини кўзда тутди. Шунингдек, Туркия, Эрон, Афғонистон ва Покистон орқали ўтадиган энергетика «коридори»нинг табиий захираларни етказиб берувчи муқобил маршрут сифатида белгиланиши Япониянинг минтақадаги фаоллигидан далолат беради.

Япония учун Марказий Осиё муҳим геосиёсий аҳамиятга эга бўлиб, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни қўллаб-қувватлаш, инвестицион фаолиятни ривожлантириш Марказий Осиё дипломатиясининг муҳим йўналишлари саналади.

Каспий минтақаси энергия ресурсларини Марказий Осиё орқали ўтадиган қувурлар орқали Ҳинд океанга олиб чиқиш Япония учун қулай маршрут саналади. Шу боисдан Токио Туркменистон–Афғонистон–Покистон нефть-газ қувурлари лойиҳасига катта қизиқиш билдириб келмоқда. Шунингдек, Қозоғистон, Туркменистон ва Эронни боғлаб ўтувчи нефть қувурлари қуриш режаси ҳам Япония учун муҳим аҳамият касб этади.

Осиё минтақаси ҳар доим Япония инвестициясини қўллашнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб келган. JETRO статистикасига кўра 2016 йилда у инвестиция минтақаларининг энг яхши бешлигига кирган<sup>15</sup>. Япония ўзининг энергетика хавфсизлигини таъминлаш учун Марказий Осиё мамлакатларида тоғ-кон ва ишлаб чиқариш саноатини, логистика ва транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга изчил ёрдам бериб келмоқда ва ушбу соҳада муайян ютуқларга эришди.

Ҳозирги вақтда Япониянинг Марказий Осиё дипломатиясидаги энг муҳим хусусиятлар иқтисодий ва ресурслар дипломатияси, минтақавий

---

<sup>15</sup> Japan's Outward FDI by Country/Region (Balance of Payments basis, net and flow). JETRO. URL: [www.jetro.go.jp/en/reports/statistics.html](http://www.jetro.go.jp/en/reports/statistics.html).

инфратузилмани модернизация қилиш, шу жумладан Япония инфратузилмаси экспортини илгари суриш, инсон ресурсларини ривожлантиришга қаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Япониянинг инвестицион стратегияси Марказий Осиё мамлакатларига кредитлар, грантлар, иқтисодий ва технологик ёрдам кўрсатиш, инфратузилма ва энергия ресурсларини қазиб олиш ва қайта ишлаш лойиҳаларига алоҳида эътибор беришни назарда тутди. Шунингдек, Япония Марказий Осиё минтақасида демократия ва бозор муносабатларини ривожлантиришга йўналтирилган фаол ташқи сиёсатни амалга оширади.

Умуман олганда, Япониянинг сўнгги йиллардаги жадал ташқи энергетика сиёсати мамлакат ва минтақа энергетика манфаатларига жавоб берувчи дипломатиясининг шаклланишидан далолат беради. Минтақа давлатлари энергетика истеъмоли тизимида энергия тежовчи технологияларнинг жорий этилишига, мамлакат миллий нефть компанияларининг дунё энергия бозоридаги мавқеининг мустаҳкамланишига, хориждаги нефть-газ қазиб олиш лойиҳаларига Япония устувор аҳамият бериши зарур.

Диссертацияда Япониянинг минтақадаги геосиёсий трансформацияларга мослашувчан энергетика сиёсати ва дипломатиясини шакллантириш, Шарқий Осиёда энергетика хавфсизлиги замонавий архитектураси шаклланишидаги ташқи сиёсий етакчилик ҳамда «Осиё супер халқаси» – минтақавий ягона энерготизимни вужудга келтиришдаги регуляторлик вазифасини янада фаоллаштириш мақсадга мувофиқлиги асосланган.

## ХУЛОСА

Диссертация ишида Шарқий Осиё минтақасида энергетика хавфсизлигини таъминлашнинг ташқи сиёсий жиҳатлари, минтақавий энергетика хавфсизлигининг замонавий муаммолари, Япония ташқи энергетика сиёсатининг устувор йўналишлари, минтақа энергетика хавфсизлигини таъминлашда Япониянинг ташқи сиёсий ташаббуслари тадқиқ этилди. Шундан келиб чиқиб, **«Шарқий Осиё минтақаси энергетика хавфсизлигини таъминлашда Япониянинг ташқи сиёсий роли»** мавзусидаги тадқиқот иши давомида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Замонавий дунёда энергия ресурслари, айниқса, нефть ва газ миллий ҳамда халқаро даражада сиёсий жараёнлар билан узвий боғланган стратегик товарларга айланди. Бундай шароитда дунё энергия ресурслари захирасига эга бўлган, ўз энергия ресурсларига эга бўлмаган ёки хом ашё захиралари тақчил бўлган давлатларга бўлиниб қолмоқда ва бу давлат гуруҳлари ўртасидаги муносабатларда доимий зиддият кузатилади. Бу ўз навбатида энергия хавфсизлиги борасида ўзаро мақбул келишувларга эришиш, кўптомонлама энергетика муносабатларининг замонавий механизмларини барпо этиш, ягона адолатли ёндашув ишлаб чиқиш учун биргаликда ҳаракат қилишни талаб этади.

2. Халқаро энергетика алоқаларининг изчил ривожланиб бориши ва тез ўзгарувчан характерга эгаллиги турли замонавий назарий конструкциялар янги

тадқиқот дастурлари билан тўлдирилиши даркорлигини англатади. Шу боисдан конструктивизм, халқаро сиёсий иқтисод, неомарксизм мактаблари ғояларини мувофиқлаштириш орқали муқобил ёндашувларга асосланган энергетика хавфсизлиги соҳасидаги тадқиқотларни ривожлантириш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

3. Дунёда ханузгача ҳам экспортёрлар, ҳам энергия импортёрларининг манфаатини таъминлайдиган, глобал энергетика муаммоларини ҳал қилиш бўйича ихтисослашган ваколатли аъзоликка эга кўп томонлама ташкилот мавжуд эмас. Бундай ташкилотнинг вужудга келиши энергетика муносабатларининг мувофиқлигини таъминлаган бўлар эди.

4. Шарқий Осиёда барча минтақавий иштирокчилар қўллаб-қувватлайдиган тўлақонли хавфсизлик механизмлари мавжуд эмас. Минтақада хавф-хатардан эрта огоҳлантириш ва инқирозли вазиятларни бошқариш учун кўп томонлама механизм керак. Хитой, АҚШ, Европа Иттифоқи ва Россиянинг ушбу минтақадаги манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, минтақавий хавфсизлик механизмлари йирик жаҳон кучлари ўртасидаги муносабатларнинг хусусиятини албатта ҳисобга олиши керак.

5. Шарқий Осиёда давлатлараро энергетика ҳамкорлигини рағбатлантиришнинг қуйидаги механизмларини таклиф қилиш мумкин: минтақа мамлакатларида узоқ муддатли устуворликларга эга барқарор энергия сиёсати, давлатлараро энергетика соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш; давлатлараро энергия инфратузилмасини босқичма-босқич яратишга имкон берувчи энергетика лойиҳаларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш; муайян бирлашиш характериға эга бўлган ва барча томонларнинг манфаатларини ифода этадиган икки ва кўп томонлама шартномаларга эришиш; давлатлараро энергетика лойиҳаларининг, шунингдек давлатлараро энергия инфратузилмасининг таркибий қисми бўлган ички лойиҳаларнинг давлат томонидан кафолатланиши; халқаро ва маҳаллий банклар ва саноат-молиявий гуруҳларнинг қўллаб-қувватлаши.

6. Минтақанинг айрим мамлакатларидаги иқтисодий беқарорлик, иқтисодий ўзаро боғлиқлик тажрибаси йўқлиги ва шунга ўхшаш бошқа омиллар туфайли юқори иқтисодий хатарлар, айрим мамлакатларда сиёсий барқарорликнинг етарли эмаслиги ва давлатлараро сиёсий муносабатларнинг суствлиги туфайли эҳтимолий сиёсий хатарларнинг вужудга келиши, мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳал этилмаган муаммолари, ўтмишдаги салбий омиллар ва бошқа ихтилофлар натижасида келиб чиққан тўсиқлар, менталитет, тарихий ва маданий урф-одатлардаги фарқларга боғлиқ бўлган муаммолар Шарқий Осиёда давлатлараро энергия инфратузилмасини яратиш бўйича йўналишларни ва аниқ энергетика лойиҳаларини амалга ошириш йўлидаги мавжуд хавф ва тўсиқлардир.

7. Шарқий Осиёда минтақавий ҳамкорликнинг янги даражасига эришиш, интеграцион жараёнларни ривожлантириш минтақа давлатлари ҳукуматларининг сиёсий иродаси ҳамда қатъий саъй-ҳаракатларини талаб этади. Бирок, минтақа айрим мамлакатларининг энергия муаммоларини



мустақил ҳал қилиш истаги Шарқий Осиёда минтақавий интеграциялашув жараёни, шу жумладан, энергетика соҳасидаги интеграцияга тўсқинлик қилиб келмоқда.

8. Шарқий Осиё минтақасидаги халқаро энергетик ҳамкорликнинг баъзи лойиҳалари яхши натижаларга эришган бўлсада, аммо чекланган таъсирга эга; ҳамкорлик механизмларини кенг иштирокчиларга нисбатан қўллаш муаммоли. Буни маслаҳатлашув ва маълумот алмашиш каби «юмшоқ» ҳамкорлик институтлари сони жадал ўсиб бораётгани, шунингдек, барча иштирокчилар учун ягона қонунчилик базасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш каби «мураккаб» ташкилотлар йўқлиги ҳам тасдиқлайди.

9. Минтақа мамлакатларининг энергетика ҳамкорлиги икки томонлама муносабатлар форматида бир мунча йўлга қўйилган бўлиб, энергетика соҳасидаги ҳамкорлик қайсидир маънода, минтақанинг барча давлатларини қамраб олади ва иккитомонлама ҳукуматлараро битимлар, келишувлар, шунингдек, Шарқий Осиё мамлакатлари ва учинчи давлатлар иқтисодий субъектлари ўртасидаги турли хил узоқ муддатли шартномаларга асосланади. Икки томонлама ҳамкорликлар доирасида айрим йирик энергетика лойиҳалари ҳам амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, икки томонлама ҳамкорликнинг мавжуд потенциали ҳали ҳам тўлиқ ишлатилмаяпти, минтақанинг барча мамлакатлари билан энергетика бўйича икки томонлама мулоқотлар мунтазам олиб борилмаяпти.

10. Минтақа давлатлари энергетика истеъмоли тизимида энергия тежовчи технологияларнинг жорий этилишига, мамлакат миллий нефть компанияларининг дунё энергия бозоридаги мавқеининг мустаҳкамланишига, хориждаги нефть-газ қазиб олиш лойиҳаларига Япония устувор аҳамият бериши зарур.

11. Замонавий босқичда Япония ташқи сиёсатида энергетика омили устувор йўналиш саналади. Мамлакат ташқи энергетика сиёсати энергоресурслар ишлаб чиқарувчилари билан сиёсий ва амалий ҳамкорликни мустаҳкамлаш; дунё энергетика жараёнлари ҳақидаги реал ахборот ва таҳлилга эга бўлиш; Шарқий Осиё минтақаси энергетика хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларида фаол иштирок этиш каби масалаларни назарда тутати. Япония минтақада энергоресурслар захираларини барпо этиш, энергия тежайдиган технологияларни кенг ёйиш, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги ўзаро мулоқотни фаоллаштириш, минтақавий нефть бозори шаффофлигини таъминлаш каби муҳим ташаббусларни илгари суради. Шу билан бирга, мамлакат япон бизнесини хориждаги энергия захираларига қаратиш, шунингдек, жадал халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, дунё энергетика майдонида вазиятни барқарорлаштириш, энергетика бозорида мақбул қоидаларни ишлаб чиқиш, ўзаро ахборот алмашиш ва технологияларни жорий қилиш каби ўта муҳим вазифаларни янада жадаллаштириши зарур.

12. Япония учун Марказий Осиё нафақат геосиёсий нуқтаи назардан муҳим минтақа, балки катта ресурс базаси ва истиқболли бозор ҳисобланади. Япониянинг инвестицион стратегияси Марказий Осиё мамлакатларига

кредитлар, грантлар, иқтисодий ва технологик ёрдам кўрсатиш, инфратузилма ва энергия ресурсларини қазиб олиш ва қайта ишлаш лойиҳаларига алоҳида эътибор беришни назарда тутди. Шунингдек, Япония Марказий Осиё минтақасида демократия ва бозор муносабатларини ривожлантиришга йўналтирилган фаол ташқи сиёсатни амалга оширади. Шу билан бирга, мамлакатнинг сўнгги йиллардаги минтақавий сиёсати таҳлили Марказий Осиёда янада фаол ташқи сиёсатга ўтиш, ижтимоий-иқтисодий ва молиявий-инвестицион таъсир воситаларидан кенг фойдаланишни талаб қилади.

Тадқиқотда таҳлил этилган масалалар, улардан келиб чиққан хулосалар Марказий Осиё ва Ўзбекистон манфаатлари нуқтаи назаридан қуйидаги тавсияларни ишлаб чиқиш имконини беради:

- Халқаро энергетика муносабатларининг сиёсийлашуви шароитида Шарқий Осиёда энергетика хавфсизлигини таъминлашнинг мустаҳкам ва самарали асосини яратиш мақсадида иқтисодий ҳамкорликни хавфсизлик соҳасидаги сиёсий интеграция билан бирлаштирувчи кўп томонлама стратегик ҳамкорлик механизмларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, ягона минтақавий энергетика хавфсизлиги стратегиясини ишлаб чиқиш зарур;

- Минтақавий энергетика интеграцияси борасида музокаралар олиб бориш ва қонуний кучга эга бўлган энергия бўйича келишув – Шарқий Осиё Энергетика Ҳамжамияти Шартномасига эришиш ва доимий институтлар билан Шарқий Осиё Энергетика Конференцияси механизминини ишга тушириш, тузилмага Марказий Осиё мамлакатларини аъзо сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқ;

- Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Осиё-Тинч океани минтақаси иқтисодий ҳамкорлиги, Шарқий Осиё Саммити, АСЕАН каби сиёсий ва иқтисодий ташкилотларнинг минтақавий энергетика хавфсизлиги соҳасидаги фаолиятинини энергетикага ихтисослашган тузилмалар вазифаларини мувофиқлаштириш орқали кучайтириш зарур;

- Япониянинг минтақадаги геосиёсий трансформацияларга мослашувчан энергетика сиёсати ва дипломатиясинини шакллантириш, Шарқий Осиёда энергетика хавфсизлиги замонавий архитектурасини шаклланишидаги ташқи сиёсий етакчилик ҳамда «Осиё супер халқаси» – минтақавий ягона энерготизимни вужудга келтиришдаги регуляторлик вазифасинини янада фаоллаштириш мақсадга мувофиқ;

- Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Атом энергетикасининг ривожлантириш агентлиги («Uzatom») ҳамкорликда «Шарқий Осиё минтақаси давлатларининг энергетика сиёсати», «Марказий Осиё – дунёдаги муҳим энергетик минтақа» мавзуларида илмий-амалий семинарларни соҳа ходимлари учун доимий равишда ташкил этиш ва улар асосида ички хизматда фойдаланиш грифи остида методик қўлланмаларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир;

- Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти таркибий тузилмаларида «Энергетика муаммоларини ўрганиш» илмий-амалий тадқиқот марказларини ташкил этиш орқали фан ва амалиёт интеграллашувига эришиш мақсадга мувофиқ;

- «Марказий Осиё + Япония» мулоқот гуруҳи доирасида минтақа давлатлари ва Япония энергетика вазирларининг доимий форумини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир;

- Осиё Тараққиёт Банки ҳомийлигида Энергия ресурсларидан фойдаланиш ва инвестициялар махсус фондини ташкил этиш, Осиё Тараққиёт Банки ва бошқа молия институтлари орқали энергетика ҳамкорлигини янада ривожлантириш ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари энергетика секторига молиявий-инвестицион лойиҳаларни йўналтириш зарур;

- Марказий Осиё мамлакатларининг Шарқий Осиё давлатлари билан икки ва кўптомонлама энергетика ҳамкорлигида минтақа давлатлари, хусусан, Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини илгари суриш, энергия ресурсларининг мақбул нархлари ва инвестициялар, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик бўйича минтақа давлатлари Халқаро Энергетика Агентлиги билан ҳамкорликда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ;

- Қайта тикланадиган ва муқобил энергия манбаларини ривожлантириш борасидаги Ўзбекистон-Япония ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш, мазкур соҳага Япония инвестицияларини жалб этиш, Ўзбекистон энергетика соҳасига Япониянинг замонавий энергия тежовчи технологияларини жорий этиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш зарур;

- Япониянинг йирик молиявий-саноат гуруҳлари билан энергетика соҳасида ҳамкорлик ўрнатиш, жумладан, «Мицубиси» компанияси билан қайта тикланадиган энергия манбалари соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириб кўёш ва шамол энергостанциялари лойиҳаларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ;

- Япониянинг атом энергетикаси соҳасидаги катта тажрибасини инобатга олиб, Ўзбекистоннинг Япония билан атом энергетикаси бўйича ҳамкорлигини ривожлантириш, Ўзбекистон атом энергетикаси соҳасига Япония инвестицияларини жалб этиш, атом энергетикаси хавфсизлигини таъминлаш, ядро авариялари ва радиациявий авария ҳолатларини бартараф этиш бўйича Япония билан яқиндан ҳамкорлик қилиш, табиий-техноген таъсирлар олдини олиш бўйича япон тажрибасини ўрганиш, ядровий ва радиациявий хавфсизликни таъминлаш бўйича Япония билан қўшма тадбирлар ва ўқув-машғулотларини амалга ошириш мумкин;

- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳамда Тошкент давлат техника университети қошидаги «Ўзбек-япон ёшлари инновацион маркази» билан ҳамкорликда «Энергетика хавфсизлигининг сиёсий, иқтисодий ва технологик

жиҳатлари» мавзусидаги илмий-амалий семинарларни доимий равишда ташкил этиш орқали энергетика соҳаси тармоқларининг интеграллашувига эришиш мақсадга мувофиқдир.

Халқаро-ҳуқуқий меъёрлар, халқаро ҳамжамият ва минтақа давлатларининг энергетика стратегиялари ва дипломатияси Шарқий Осиё энергетика хавфсизлиги муаммоларини ҳал этишда муваффақиятли ҳамкорлик қилиш ҳамда минтақада ва сайёрада умумий хавфсизликни сақлашга ҳисса қўшади, деб ҳисоблаймиз. Улкан технологик сармоя, саноат потенциалига эга ва кўп томонлама энергетика дипломатияси масалаларида жиддий тажриба тўплаган Япония Шарқий Осиёда бундай ҳамкорликнинг янги тузилишини шакллантиришда ҳал қилувчи рол ўйнаши мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Ss/Tar.21.02 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ  
ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

**АЛИМОВ ОҚИЛИДДИН ИСАМУТДИНОВИЧ**

**ВНЕШНЕПОЛИТИЧЕСКАЯ РОЛЬ ЯПОНИИ В ОБЕСПЕЧЕНИИ  
ЭНЕРГЕТИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ ВОСТОЧНОАЗИАТСКОГО  
РЕГИОНА**

**23.00.04 – Международные отношения, политические проблемы глобального и  
регионального развития**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПОЛИТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

**Тема диссертации на соискание степени доктора философии (PhD) по политическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.3.PhD/Siyos109.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном университете востоковедения.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tsuos.uz](http://www.tsuos.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** **Жураев Сайфиддин Ахматович**  
доктор политических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Мухаммадсиддиков Мухаммадолим Мухаммадрозик угли**  
доктор политических наук, доцент

**Умаров Хайрулла Пайзуллаевич**  
кандидат политических наук, доцент

**Ведущая организация:** **Академия государственного управления при Президенте Республики Узбекистан**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 г. в \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Ss/Tar.21.02 при Ташкентском государственном университете востоковедения. Адрес: 100070, г.Ташкент, ул. Шахрисабз, 25. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (998971) 233-52-24; e-mail: [sharq\\_ilmiy@mail.ru](mailto:sharq_ilmiy@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного университета востоковедения (зарегистрирована под №\_\_\_). Адрес: 100070, г.Ташкент, ул. Шахрисабз, 25. Тел.: (99871) 233-45-21.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021года.

(реестр протокола рассылки №\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года).

**Э.С. Султанова**  
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

**А.Н. Назаров**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии по политическим наукам (PhD)

**Р.З. Жумаев**  
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В современном мире вопрос энергетической безопасности стал одним из приоритетов внутренней и внешней политики развитых и развивающихся стран. Не осталось ни одной области общественной жизни, которая не была бы связана с энергией. Жесткая глобальная конкуренция за энергоресурсы не гарантирует энергетическую безопасность государств или регионов в мире. Поэтому вопрос энергетической безопасности стал одной из проблем, волнующих мировое сообщество, которое находится в центре внимания глав государств и правительств, международных организаций, ученых, деловых кругов.

Проблема энергетической безопасности уникально сложна и многогранна, охватывая политические, экономические, социальные, технологические, экологические вопросы. Однако ведущую и важную роль в этом играет политический аспект. Потому что на современном этапе энергетическая безопасность регулируется не только законами рыночной экономики, но и в рамках геополитических интересов. Энергетические ресурсы превратились в мощную политическую силу, а мировой рынок углеводородов стал полем столкновения политических интересов. Укрепление глобальной и региональной энергетической безопасности, улучшение энергетической ситуации в Восточной Азии – одно из важных направлений внешней политики Японии. В этом отношении, во-первых, в XXI веке Восточная Азия стала крупным центром мирового экономического и политического развития, оказав значительное влияние на международные отношения и баланс сил в мире; во-вторых, выявить специфику проблем энергетической безопасности в регионе; в-третьих, важно определить характеристики энергетической стратегии и направлений политики Японии. Последние события на международном и региональном уровнях указывают на необходимость новых исследований в области международной энергетической безопасности.

Энергетическая политика Республики Узбекистан направлена на обеспечение энергетической безопасности и использование национального энергетического потенциала для социально-экономического развития общества, устойчивых поставок топливно-энергетических ресурсов экономике и населению, широкое продвижение и развитие возобновляемых источников энергии. «Одна из самых больших угроз интенсивному развитию экономики связана с существующими проблемами в нефтегазовом и энергетическом секторах»<sup>1</sup>. Стратегия действий по развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определяет «снижение потребления энергии и ресурсов в экономике, широкое внедрение энергосберегающих технологий в производстве, расширение использования возобновляемых источников энергии, повышение производительности труда в различных секторах экономики»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса // Народное слово, 23 января 2020 г., №17 (7519).

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». № ПФ-4947, 7 февраля 2017 г. – Сборник законодательных актов Республики Узбекистан. 2017, № 6, статья 70.

Данная диссертация служит осуществлению исполнения Указов Президента Республики Узбекистан от 19 мая 2017 года №УП-5046 «О мерах по дальнейшему совершенствованию межнациональных отношений и дружественных связей с зарубежными странами», от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 22 августа 2019 года №ПП-4422 «О повышении энергоэффективности в экономической и социальной сферах», Закон Республики Узбекистан «Об использовании возобновляемых источников энергии» от 21 мая 2019 года, Постановление Президента республики Узбекистан от 22 августа 2019 года №ПП-4422 «Об ускоренных мерах по повышению энергоэффективности отраслей экономики и социальной сферы, внедрению энергосберегающих технологий и развитию возобновляемых источников энергии», Постановления от 28 декабря 2019 года № ПП-4553 «О мерах по дальнейшему расширению и укреплению двустороннего сотрудничества между Республикой Узбекистан и Японией», Постановления от 29 января 2019 года № ПП-4139 «О мерах по повышению эффективности подготовки кадров, фундаментальных и прикладных исследований в области политических наук», Постановления от 16 апреля 2020 года № ПП-4680 «О мерах по кардинальному совершенствованию системы подготовки кадров и повышению научного потенциала в области востоковедения» а также других нормативно-правовых актов в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертация выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства и пути их осуществления».

**Степень изученности проблемы.** Анализ степени изученности темы показывает, что политическое изучение энергетической безопасности является непрерывным, эволюционным процессом. Изменчивость политических, социально - экономических условий, постоянное обновление информационных и аналитических материалов, в свою очередь, обеспечивает развитие научных взглядов.

